

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚўМИТАСИНинг
ҚАРОРИ

146 «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
26 марта рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 521-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 19-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 17 майдаги 01/19-18/02-сонли «Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2236, 2011 йил 10 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 24-сон, 252-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 5 март,
01/27-26/08-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

13 (617)-сон

— 51 —

146-модда

Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмита-
сининг 2014 йил 5 марта
01/27-26/08-сон карорига
ИЛОВА

**«Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимада «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси»
деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополия-
дан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар
 билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш дав-
лат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат мулки қўмитаси деб юритилади)»
деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополия-
дан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (кейинги ўрин-
ларда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаш-
тирилсин;

3, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 11, 12, 15, 17, 22, 23, 25, 26, 27, 28, 32, 34, 35, 37,
38, 39, 40, 41, 43, 44, 45, 47, 48, 49-бандлардаги «Давлат мулки қўмитаси»,
«Давлат мулки қўмитасига», «Давлат мулки қўмитасининг» ва «Давлат мулки
қўмитасида» деган сўзлар тегишлича «Давлат рақобат қўмитаси», «Давлат
рақобат қўмитасига», «Давлат рақобат қўмитасининг» ва «Давлат рақобат
қўмитасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

1-иловадаги «Давлат мулки қўмитасига» деган сўзлар «Давлат рақобат
қўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-илова мазкур ўзгартиришларга иловага мувофиқ таҳирда баён этил-
син.

146-модда

— 52 —

13 (617)-сон

«Риэлторнинг малака сертификатини
бериш тартиби тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартиришларга
ИЛОВА

Риэлторнинг малака сертификатини
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА



**O‘zbekiston Respublikasining Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish
va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasi**

—sonli
RIELTORNING MALAKA
SERTIFIKATI

3 x 4

Toshkent sh. _____
(berilgan vaqt)

O‘zbekiston Respublikasining Xususiylashtirish, monopoliyadan chiqarish va
raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasi tomonidan _____
(kimga — rieltorning F.I.O.)

(rieltorning malaka sertifikati berilgan sana va amal qilish muddati)

Pasport ma’lumotlari: _____
Vakolatli shaxs _____
(F.I.O.)

Muhr o‘rni _____
(imzo)

Rietor malaka sertifikatining muddati 20____ y. «____» _____ dan
20____ y. »____» _____ gacha uzaytirildi.

Imzo _____

Muhr o‘rni